ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

ҚЎРҒОН ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ ШАЖАРАСИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Аббос Турсунқулов
Жиззах давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқ достончилигида катта ўринга эга бўлгани Қўрғон достончилик мактаби, унинг таниқли вакиллари, барқаролр анъаналари ва поэтик услублари ҳақида фикр юритилади. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг автобиографик достони “Таржимаи ҳол” га таянган ҳолда достончиликка хос бўлган поэтик унсурлар, устоз–шогирд муносабати ҳақида қизиқарли илмий қарашлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Достон, эпик репертуар, терма, достончилик мактаби, анъана, новаторлик, автобиографик, шажара, сулола, жанр, услуб.

POETIC INTERPRETATION OF KURGAN SCHOOL OF FRIENDSHIP

Abbos Tursunkulov
Associate Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discusses the role of the Kurgan School of Epics, its well-known representatives, the traditions and poetic styles of the Barkarals, which played an important role in Uzbek folk epics. Based on the autobiographical epic of Ergash Jumanbulbul's son "Biography", interesting scientific views on the poetic elements of the epic, the teacher-student relationship are put forward.

Keywords: Epic, epic repertoire, national, school of epic, tradition, innovation, autobiography, family tree, dynasty, genre, style.

КИРИШ

Ўзбек халқ достончилигида Қўрғон достончилик мактабининг алоҳида ўрни бор. Жуда бой тарихга эга бу достончилик мактаби эпик анъаналарни барқарор сақлаб XX аср ўрталаригача етиб келди. Бу мактабнинг сўнгги авлодлари бўлган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Раҳматулла Юсуф ўғли, Эгамберди Алламурод ўғли каби таниқли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

бахши–шоирлардан ёзиб олинган достон ва термалар бу мактаб эпик репертуари, ижрочилик ва ижодкорликдаги барқарор анъаналарнинг юксак поэтик салоҳиятидан далолат беради. Эргаш шоирдан ёзиб олинган “Таржимаи ҳол” достонида Қўрғон достончилик мактаби ва унинг шажараси ҳақида ҳам поэтик фикр юритилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да шажара атамасига шундай изоҳ берилади: Шажара– (а.– дарахт; дарахт шаклида тузилган схема) маълум бир уруғ авлодларнинг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини изчиллик билан кўрсатувчи рўйхат, тарих, силсила [1.533]. Ўзбек халқи орасида етти ота–бобони билиш шарт даган тушунча биз назарда тутган шажаранинг айнан ўзи. Эргаш шоир “Таржимаи ҳол” достонининг муқаддимасидаёқ беш ота–боболарининг номларини санаб ўтади ва уларнинг ҳар бирининг Қўрғон достончилик мактаби эпик репертуарини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини алоҳида–алоҳида тасвирлайди: “Бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилда, иккинчи ноябрда, чоршанба кунида Булунғур жарибининг Қувондиқ даҳасининг Қирқшоди қишлоғида мен, ёзувчи, Зарафшон вилоятининг Нурота жарибининг Жўш даҳасининг Қўрғон қишлоғидан Мулла Эргаш, олтмиш бир яшар, Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош уста Лафаснинг ўғли, Уста Лафас Ёдгорнинг ўғли, ўзим ўзбек, туркман жамоасидан, уруғим қаракиса, асл қаракиса қозоёқлига қўшилади [2,21]. Шоир достонда ота–боболарининг “тамом умри элга шоирлик қилган”лигини, “чечанликда сувга сувдайин оққан”лигини достончиликда ҳеч ким баробар бўлолмаслигини таъриф–тавсиф этади.

Қўрғон достончилик мактаби шажараси ҳақида фольклоршунос олим, Эргаш шоирнинг чевараси Шомирза Турдимов шундай ёзади: “XIX асрнинг иккинчи ярмида олти уйлик Қўрғонда йигирмадан ортиқ бахши – шоир яшаб ижод қилар, Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул, амакилари Жассоқ ва Ёрлақаб уларнинг пешқадам вакиллари эди. Халқ орасида “Қўрғоннинг қудуғидан сув ичган киши шоир бўлмай қолмайди”, деб айтилган сўз беҳикмат эмас. Эндиликда олимлар аниқлаган Қўрғон достончилари Ёдгор бахшидан бошлаб элликдан ошади. Аслида Қўрғон достончилик мактабининг тарихи, анъаналари Эргаш шоир санаган беш авлод билан чекланмайди. Шоирнинг бешламчи отаси Ёдгорга устоз бўлган Жолмон бахши ҳам Қўрғон қишлоғига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

асос солган тўрт ака–ука бобокалонлар – Ўр уста, Эр уста, Сори усталарнинг кенжаси – Қўйчи Сорининг авлоди саналади [3,99].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Демак, Қўрғонда Эргаш шоирнинг бахтига маънавий ва маърифий мағзи тўқ жуда катта ижодий муҳит бор эди. Чиндан ҳам профессор Ҳоди Зариф таъкидлаганидек: “Эргаш шоирнинг ўсиши учун унинг оила муҳитида ҳам, у ўсиб вояга етган қишлоқда ҳам жуда катта адабий замин бўлган [4,18]. Шоир ана шу катта адабий заминни достонга олиб кирар экан, иккинчи бир мақсадни ҳам назарда тутган. Ота – боболари ва икки укасини таърифлаш фонида достон куйлаш услуби, бахши махорати, достончилик анъаналари, достон куйлашдан мақсад ва унга қўйилган бадиий – эстетик талаблар ҳақида ҳам фикр юритади.

Қўрғон қишлоғида аёллар ҳам сўзга чечан бўлишган. Эргаш шоирдан ёзиб олинган “Ойсулув” достонининг насрий баёнини Жуманбулбул Тилла момодан эшитганлигини айтади. Тилла кампирнинг аёллар орасида “Ойсулув” достонини эртак вариантида айтиб юрганлиги ҳақидаги оғзаки маълумотлар билан бир қаторда нозиктаъб шоира бўлганлагини тасдиқловчи адабий манбалар ҳам сақланиб қолган. Турмуш ўртоғидан, болаларидан бевақт ажралгани етмаганидай куйдирги ярасидан азоб чеккан Тилла кампирнинг қуйидаги мисралари ҳам оғзаки анаъналарда бизгача етиб келган:

Куйдирди мени куйдирди,
Кўзимнинг ёшин қуйдирди,
Қаддимни ёйдай ийдирди,
Элу халқимни жийдирди,
Кўкдан кийим кийдирди[3,108].

Қўрғон достончилик мактабининг муҳим халқаларидан бири бўлган Тилла кампир, Султон кампирлардан жуда оз маълумотлар қолганлиги ҳақида Эргаш отанинг ўзи Ходи Зарифга афсусланиб шундай деган эди: “... Ўғлим! Ёшликда билмабмиз, беш–олти оғиз қўшиқни ўрганиб олиб, шунга кўнглимиз ўсиб, ҳеч ерда болаларга гап бермай: “Мен Жуманбулбулнинг ўғли бўламан, қўшиқни ҳам ўзим топиб бераман, гап десанг хирмони билан уйиб бераман, – деб кета беribмиз... Отамиз бечора ҳам шу гапни айтар эди: “Ёшлик қилдик. Тилла кампирдан гап – қўшиқ ўрганмадик ... Сўнг билсак биз тош эканмиз, у – тулпор, биз жилға эканмиз, у–булоқ, биз дарёмиз деганда у–денгиз экан [2.302]. Султон кампирнинг қозоқ оқини билан айтишуви элда афсонага айланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

Қўрғон бахшиларининг таърифини эшитган қозоқ оқини улар билан айтишиш учун Қўрғонга келади. Қудуқ бошида гурунглашиб турган аёлларни кўриб, уларни гапга солиш учун оқтовни кўрсатиб сўрайди:

Сендан савол сўрайман турган зайип
Ўси турга товларинг нечи жасар?

Саволнинг тагида ётган қитмирликни англаган Султон кампир шундай жавоб беради:

Худойимннинг ишин кўр,
Фалакнинг гардишин кўр.
Мен билмайман ёшини,
Оғзин очиб тишин кўр[3,104].

Жавобни эшитган оқин “Бу элнинг аёллари гапга шундай чечак бўлса Жуманбулбули билан айтишмасак ҳам бўлар экан, деб келган йўлига қайтиб кетади.

“Таржимаи ҳол” достонида Эргаш шоирнинг укалари Абдуҳалил ва Абдужалилларнинг ҳам эл суйган бахши шоир бўлиб етишганлиги ҳақида меҳр билан куйланади:

Иккови ҳам ҳа деб дўмбира чертган,
Ҳар ким кеп эшитса, уни эритган,
Бир йигитлар эди қобил, суҳбатлик,
Бир хил бахшилардан эмас жиритган...
... Чечакликда сўзга сувдайин оққан,
Айтган сўзи ҳамма одамга ёққан,
Ўтириши, айтган сўзи адабли,
Сўзга либос бериб, гавҳарлар таққан...

Ҳаётдаги сирдоши, дардкаши, суянган суянчиғи бўлган икки укасининг ҳам бирин–кетин вафот этиши шоир қалбини ларзага солади. Қанчалик оғир бўлмасин сингиллари айтган марсияни достонга олиб киради ва уларнинг ҳам сўзга чечанлигини эътироф этади. Кичик синглиси Зумрадой:

Сувдан чиққан суйругим
Юртдан ўзгвн жуйругим
Юзга кирар деювчи эдим
Йигирма бўлди буйруғинг

Катта синглиси Маҳкамой:

Олғир қушнинг шунқори,
Югурукларнинг тулпори

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

Эр йигитнинг сардори
Тенгқурларин тождори
Шунқор акам ёр–ёр
Раҳбар акам ёр–ёр[2.52].,

деб акаларини йўқлайди.

Афсуски Эргаш шоир бошига тушган кулфатлар шу билан тугамайди. Тез орада сўзга чечан сингиллари ҳам онаси, болалари, хотини ҳам бирин–кетин вафот этади ва бу ҳол шоирнинг турмушини бутунлай издан чиқариб юборади. Эргаш шоир шу даврдаги фожиали ҳаётини достонга олиб киради: “Менинг куйганим озмиди?! Кўп ўтмади, икки синглим, энамиз оғриб ётиб қолди.Буларга ҳам табиб– таккон қилдик, бўлмади, бирин–кетин оламдан ўтди. Вой!..[2,56–57], деб ҳикоя қилар экан Ҳоди Зарифнинг хотирлашича, асар воқеалари шу ерга келганида, шоир достонни давом эттира олмай, йиғлаб ўрнидан туриб кетади. Давоми иккинчи кун ёзилади [2,71].

Олимнинг бу эътирофлари ўтган воқеаларни ҳаёлида қайта жонлантириб, тингловчиларга барча даҳшатлари билан ҳикоя қилаётган бахшининг ўтмишдаги қора кунларини эслаш таъсирида ҳикоячилик мувозанатини йўқотиб қўйганлигини тасдиқлайди. Даҳшатли воқеалар ўқувчининг кўз ўнгида фақат Эргашнинггина эмас, балки бутун мустамлака давр фожеаси сифатида намоён бўлади. Халқни чаласавод қилган тиббиёт илмларидан бебаҳра қолдирган, жаҳолат ва хурофот ботқоғига ташлаган мустамлака тузумида бундай фожиалар бўлиши тибиий эди. Достоннинг ижтимоий аҳамиятлилиги шундаки, бош қаҳрамоннинг шахсий интим олами мавжуд ижтимоий воқелик, яъни Қўрғон достончилик мактабининг таназзули билан боғлиқликда очилади.

“Таржимаи ҳол” достони деярли барча бахшилар репертуарида мавжуд бўлган, ярим афсонавий, ярим диний мавзудаги Гўрўғли тилидан айтиладиган анъанавий “Кунларим” термаси услубида бошланади:

Пайдо бўлдим икки гавҳар докадан,
Тарбиятлар топиб ота–онадан,
Аввалам таваллуд топдим энадан,
Одамнинг жисмига кирган кунларим [2,25].

Анъанавий, Гўрўғли тилидан айтиладиган “Кунларим” термаси:

Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан,
Гўр ичинда пайдо бўлдим энадан,
Гўр ичинда пайдо бўлган кунларим[2,127].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00441

Тўртлиги билан бошланади. Ҳар иккала бандда оҳанг ҳам, вазн ҳам бир хил, Лекин уларнинг бири Эргаш шоирнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи автобиографик достоннинг муқаддимасидан олинган бўлса, иккинчиси халққа маълум–у машҳур Гўрўғлининг тилидан айтиладиган биографик термасининг бошланишидир.

ХУЛОСА

Қўрғон достончилик мактаби шажарасига назар ташласак жуда кўпчилик шоир–бахшилар исмига мулла унвони қўшиб айтилади–ки, бу уларнинг мадраса кўрганлигидан саводхон ва билимдон бўлганлигидан далолат беради. Шу ўринда фолклоршунос Ш.Турдимов қизиқарли фикрларни айтади: “Эргаш шоир туғилган олти уйлик Қўрғон қишлоғида икки касб вакиллари истиқомат қилишган. Бирлари бахши–шоир бўлишса, бошқалари темирчи усталар эди. Шоирнинг тўртламчи отаси Уста Лафас эканлиги бежиз эмас. Қолаверса, Қўрғоннинг усталари шоир, шоирлари уста эди... Қўрғон бахшиларининг достонларни “Сулув” услубда ижро этишларида уларнинг мумтоз адабиётдан боҳабар бўлганликлари ҳам ўз таъсирини ўтказган. Эргаш шоир ана шундай муҳитда ўсди, улғайди, камол топди” [3,98].

Эргаш шоир термаларининг бирида :

Катта шоирларнинг йўли достоним,
Байтларини лек ўзимдан бойладим

деб айтганлигининг ўзиёқ шоирнинг юксак ижрочилик ва беназир ижодкорлик санъатига чуқур амал қилганлигини кўрсатади. Аждодлар йўлидан бориб, барқарор анъаналарга амал қилиб, образлар руҳий оламини, ички кечинмаларини нозик дид билан тиниқ туйғуларда ифодалаган бахши–шоир эл олқишига, ҳурматига сазовор бўлди. Қўрғон достончилигининг шуҳрати ҳам достон ва термаларни барқарор анъаналарда ва юксак бадиий ижодкорликда куйлаганлиги билан белгиланада.

REFERENCES

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Тўртинчи жилд.–Тошкент.: Миллий энциклопедия. 2008.
2. Булбул тароналари. Беш жилдлик. Бешинчи жилд.– Тошкент.: Фан. 1973.
3. Ҳикмат хазиниси. – Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016 й.
4. Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. – Тошкент.: Фан, 1971.